



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 27-oktabr, chorshanba • № 45 (694) • 1996-yil dekabrden chiqqan boshlagan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

ТОШЛАРИ СЎЙЛАЙДИГАН, МАЙСАЛАРИ ШИВИРЛАЙДИГАН ЮРТ

Агар билсангиз, тошлар сўзлайди, майсалар шивирлайди. Буни сиз гуллар роз айтишидан, қушлар чуғурдан илғайсиз. Юртимиз тоғларида ҳануз сақланаётган қадим қальалар, қўрғонлар сизга мозийдан эртаклар айтади.



⇒ 4-бет

АДИБНИНГ ДАСТХАТИ

Мамлакатнинг маънавий об-ҳавосида ҳаётбахш ўзгаришлар рўй берган қисқагина давр адабий муҳитида "Тафаккур" журналининг ўрни дейилганда, шакшубҳасиз, беҳаловат ёзувчи Эркин Аъзамнинг сермахсул ижодий меҳнати, ёзган асарлари, сўзга эътиқоди-ю адабиётга ишонч ва садоқати ҳам беихтиёр кўз ўнгингизда гавдаланади.



⇒ 7-бет

ЭРКИНЛИК САОДАТИ

Бугунги кунда халқимизнинг ўзига хос миллий ва маданий қадриятлари истиқлол шуқуҳи билан ҳамнафас ҳолда юксалиб бораётганини ниҳоятда қадрийдир. Улар замонадошларимизнинг турмушини кўркам қилади, маънавий жиҳатдан бойитади.



⇒ 8-бет

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 26 октябрь кунин Оқсаройда Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Қатар Давлати икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлади.

— Авваломбор сиз, ҳурматли меҳмонимизни Ўзбекистон замининда қутлашдан, сиз орқали Қатар Амири Зоти Олийларига ўзининг чуқур эҳтиромини ҳамда Қатар Давлатига ташриф буюришни тақлиф этгани учун самимий миннатдорлигини изҳор этишдан мамнунман. Мамлакатнинг табиий бойликлари ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш шубҳасиз давлат ва ҳукумат раҳбарларининг асосий вазифаларидандир. Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодий модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш юксак самаралар беришини Қатар Давлати мисолида кўриш мумкин. Бу ҳар жиҳатдан эътиборга сазовордир, — деди Ислам Каримов.

Ўз навбатида Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атия самимий қабул учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдириб, Ўз мамлакатини барча соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Қатар Давлати Амири Зоти Олийлари Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради. Биз Сизнинг мамлакатимизга бўлажак ташрифингиз ҳар томонлама самарали бўлишига ишонамиз. Тошкентга келишдан аввал Сизнинг китобларингиздан бирини катта қизиқиш билан ўқиб чиқиш шарафига мўъясар бўлдим. Унда Сиз суверен давлат қуришининг кўплаб муҳим жиҳатларини беш бош тамойил асосида атрофлича кўрсатиб бергансиз. Шу билан Сиз, Президент Жаноби Олийларининг доно ва прагматик раҳбар эканлигингизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — деди меҳмон.

Қатар Давлати Ўзбекистон билан қарор топган муносабатларга устувор аҳамият бериб, мамлакатимиз раҳбариятининг минтақавий ва халқаро микросда юритаётган оқилона ва самарали сиёсатини юксак қадрлайди. Ўзбекистон ва Қатарнинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак бўлиб, бу савдо, сармоя, энергетика, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва сайёҳликни қамраб олади. Яқинда Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доиралари ва тадбиркорларининг бизнес-форуми ўтказилгани ва унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олингани бунинг тасдиғидир. Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилди ва Доҳа университетда унинг тақдими бўлди.

Қатарда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Мовароуннахрнинг буюк алломаларига ҳурмат-эътибор катта. Бу омил икки мамлакатнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари яқинда Туркменистонга расмий ташрифи асносида Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар йўналишидаги Урта Осиё минтақасини Форс кўрфази давлатлари билан боғлайдиган транспорт коммуникациялари коридорига оид истиқболли лойиҳани ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу ташаббус кўплаб мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон билан Қатарни бир-бирига яқинлаштирадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун миллий иқтисодий модернизация ва диверсификация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошираётган Ўзбекистон ва Қатар иқтисодий энг жадал ривожланаётган мамлакатлар бешлигига киради. Икки мамлакат ҳам экспортда ҳамашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажминини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳам қатарлик сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Давримиз тезликни қувиб етмоқда



Халқимиз азал-азалдан йўл қурган, эл-юртнинг узогини яқин, мушкулини осон қилган одамларга доимо иззат-икром кўрсатиб келади. Ота-боболаримизнинг "Йўл қурганнинг йўли очик" деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрнинг эркин тасдиғидир.

Президент Ислам Каримовнинг Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган темир йўлининг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан

Ф

ан ва техника мисли қўрилмаган юксак даражада ривожланмоқда. Давр шиддат билан ўзгараётган бир пайтда инсон режалаштирган барча ишларига улғуртиш учун ҳар бир лаҳзадан унумли фойдалангиси келади. Бу эса

ўз-ўзидан вақтни тежаш талабини олдимизга кўндаланг қўяди. Киши умрининг деярли ярми йўлда ўтишини ҳисобга олсак, масаланинг нечоғли долзарблигини тасаввур этишимиз мумкин. Инсон азалдан ўзига беминнат хизмат қиладиган техникаларни яратиш ҳусусида беш қотириб келган. Шу нуқтаи назардан ҳозир-

ги замонда поезд энг фойдали транспорт воситаларидан бири саналади. Бугун ишга, ўқишга ёки бирор юмуш билан узоқ сафарга отланган кишиларни кўзлаган манзилига тез, арзон ва қулай шароитларда етказишда унга тенг келадигани бўлмаса керак. Илк бор 1825 йили Англиянинг Стоктон ва Дарлингтон

бекатлари орасидаги 30 километрли масофани 25 минутда босиб ўтган тезюрар локомотив ва темир йўл соҳаси қарийб 200 йилдирки, дунё тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

XXI асрга келиб дунёда поездларнинг юқори тезлишига эга замонавий русумлари ишлаб чиқилди. Ҳозир Европада энг тез юрар «ТГВ» русумли поездларидан кенг фойдаланилмоқда. Улар йўловчиларни бир соатда 320 км. узоқликдаги манзилга элтиб қўйиш имкониятига эга. Россияда эса энг тезюрар поезд — "Сапсан" соатига 250 километр масофани босиб ўтиш қувватига эга. Бу борада ҳозирча Хитой пешқадамликни қўлдан бермай келмоқда. Хитойда «СН-308А» моделидаги юқори тезликдаги поезд шу йилнинг 28 сентябрь кунини Шанхай ва Ханжоу ўртасидаги масофани соатига 416,6 километр тезликда босиб ўтди. Бир сўз билан айтганда бугун темир йўллар дунё мамлакатлари тараққиётининг ажралмас бўлагига айланиб улгурди.

Маълумки, қадим-қадимдан Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон Шарқ ва Ғарбни боғловчи маскан ҳисобланади. Шу боис мустақилликка эришгач, Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда янги транспорт коммуникацияларини, хусусан, темир йўллар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси 1994 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Урта Осиё темир йўллари негизидан ташкил этил-

ган бўлиб, бугунги кунда компанияга қарашли асосий йўлларнинг узунлиги 4100 километрни ташкил этади. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК 6 та минтақавий темир йўл узелларидан иборат. Жамоатда умумий ҳисобда 62 мингга яқин киши меҳнат қилади. Компаниянинг йиллик юк айланмаси барча турдаги транспорт юк айланмасининг 90 фоизга яқинини ташкил этади.

Компания фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар: * темир йўл бўйлаб юкларни экспедициялаш ва етказиб бериш; * темир йўл вагонларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш; * йўловчи ва сайёҳларни манзилларига етказиш; * локомотив ва вагонлар паркинни янгилаш, хизмат кўрсатиш.

Компания учун инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда қуйидагилар устувор йўналиш ҳисобланади:

- ♦ оптик-тонали тармоқларни ишга тушириш орқали алоқа каналларини мустаҳкамлаш;
- ♦ янги ҳаракатланувчи состав (электровозлар ва вагонлар)ни сотиб олиш, шунингдек мавжудларини модернизациялаш;
- ♦ янги темир йўлларни қуриш;
- ♦ темир йўлларни электрлаштириш;
- ♦ йўлларни капитал таъмирлаш лойиҳаларини амалга ошириш, компания заводларида йўлнинг юқори қурилмаси элементларини, эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Мустақиллик йилларида юртимизда темир йўл тизимини тўздан ислоҳ қилиш, уни босқичма-босқич халқаро талабларга мослаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясида давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган жорий — "Баркамол авлод йили" — да ёшларни маънавий тарбиялаш, жисмонан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш янада устувор вазифага айланди.

А

йтиш жоиз: авлодлар камолоти азал-азалдан халқимизнинг энг буюк орзуларидан бири бўлиб келган. Ушбу ниятлар замирида уни-ўсиб келатган ёш авлоднинг иқболи ва камолоти кўришдек эзгу мақсад ўз ифодасини топган. Зотан, бу мужассамлик Ватан ва миллат истиқболлини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга етук маънавиятли қилиб тарбиялаш бугунги куннинг бош талабидир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Бизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлмиш ёшлар-

римизга янада кенг йўл очиб бериш, фарзандларимизни замонавий билим ва таърибага, ўз мустақил фикрига эга бўлган, маънавий юксак, қомил инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб жой олиши йўлида зарур шарт-шароитларни яратиш бариш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз".

Мамнуният ила эътироф этиш лозимки, истиқлол йилларида юртимизда ёш ўғил-қизларимизнинг билим ва касб сирларини эгаллаши учун етарли шарт-шароитларни яратиш, лўнда қилиб айтганда, ёш авлод камолоти йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди.

3»

ҚУЁШГА ЯҚИН ВОҲА



Истиқлол шарофати билан «Тошкент-Насаф», «Тошкент-Қарши» йўналишидаги тезюрар поездлар бир неча соатда сизни Қарши шаҳрига етказиши. Шаҳар шох бекатига қадам қўйган кишининг эътиборини юртимиздаги замонавий меъморийлик аънаёлари асосида бунёд этилган ҳашаматли иншоот тортади.

Бугунги Қарши қадимий обидалар билан уйғунлашган замонавий меъморийлик асосида бунёд этилган маъмурий, машиий иншоотлар, турар жой бинола-

ри, истироҳат боғлари, кўплаб саноат корхоналарини ўз бағрига сиғдирган шаҳар. Кенг ва раvon йўллар, манзарали дарахтлар, шакл берилган арчалар, гулларга бурканган шаҳар қўчалари, бош майдонда саф торган фавворалар Қаршига ўзгача шуқуҳ, тароват бахш этиб турибди. Серкатнов қўчалар йўлакчаларидан ўз манзилига ёхуд иш жойига шошаётган одамлар қатнови, гавжум бозорлар жамланган шаҳарнинг ҳаёт симфониясига жўр бўлаётгандек таассурот қолдиради. Шаҳарнинг умумий майдони 7751 гектарни ташкил этиб, бу ерда 234 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

3»

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

ШАРҲ

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

THE INDEPENDENT (Буюк Британия)



Газетанинг навбатдаги сониди канадалик олимларнинг Ҳиндистондаги безгак касаллиги билан оғриётган беморлар ва уларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида мақола босилган.

Муаллифнинг ёзишича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ҳиндистонда безгак туфайли вафот этганлар сонини 13 баравар камайтириб кўрсатмоқда. Торонто университети қошидаги Соғлиқни сақлаш тизимидаги глобал тадқиқотлар маркази ходимлари олиб борган изланишлар натижасида маълум бўлишича, мамлакатда ҳар йили 205 минг нафаргача аҳоли безгак туфайли ҳаётдан кўз юмади.

Мақола муаллифининг таъкидлашича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари безгак туфайли касалхона ва поликлиникаларга муружаат қилган беморларнигина ҳисобга олишади. Аслида эса қишлоқларда минглаб беморлар касалхоналарга келмасдан вафот этмоқда.

LE FIGARO (Франция)



«Америкаликлар Хитойни ўз валютаси курсини атайин пасайтиришда, расмий Пекин эса Вашингтонни бутун дунё бозорини доллар билан тўлдириб ташлашда айбламқда. Шу билан бирга, Европа мамлакатлари евро курси кўтарилиб кетаётганидан хавотирга тушмоқда».

Бу иқтибос Францияда чиқадиган «Le Figaro» газетасида босилган «Валюталар жанги» мақоласидан олинган. Мақола муаллифи, Франциянинг собиқ молия вазири Эдмон Альфандери жаҳон валюта бозоридида вазиятни таҳлил қилади. Унинг таъкидлашича, АҚШ мамлакатдаги 10 фоизлик ишсизликнинг олдини олиш учун, бу бошқа давлатлардаги вазиятга қандай таъсир этишидан қатъи назар, монетар сиёсатни енгиллаштириш керак. Хитой ҳам, Европа ҳам, бошқа давлатлар ҳам Американинг ҳатоси учун яна емаган сомага пул тўламоқчи эмас. «Ҳозир ривожланган давлатларнинг биронтасида инқироздан чиқишнинг аниқ режаси йўқ. Бундай пайтда, популизм ва валюталар жанги кучайиши аниқ», деб ёзади собиқ вазиr.

КОММЕРСАНТЬ (Россия)



Россия прокуратураси тергов бошқармаси мамлакат Давлат думаси депутаты Ашот Елизарянга нисбатан жиноий иш қўзғатмоқчи. У қаллобликда айбланмоқда.

Газетада босилган мақолада тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари Василий Пискаревнинг думга келиши ва у ерда ЛДПР бошлиғи Жириновский билан бўлиб ўтган суҳбат тафсилоти баён этилган. Фракция раҳбари прокуратура ходимига депутат дахлсизлиги ҳақида гапириб, депутатни ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Ҳозирча, терговчи ҳам зарурат бўлса, дахлсизликни бекор қилиш мумкинлигини, ҳозирча депутатга нисбатан жиноий иш қўзғаш учун розилик кераклигини айтиб ўтади.

DAILY MAIL (Буюк Британия)



«Daily Mail»нинг навбатдаги сониди эълон қилинган Розалии Дэвиднинг мақоласида «Нима учун кейинги йилларда саратон касаллиги билан оғриётган беморлар сони кўпайиб кетяпти?», деган саволга жавоб изланган.

«Саратон замонавий касаллик, — деб ёзади мақола муаллифи. — Биз экологийни бузганимиз, турли кимёвий озиқ-овқатларни истеъмол қилганимиз учун шу хавфли касаллик кенг томир отиб бораётипти. Буюк Британияда аҳолининг тўртдан бир қисми шу касаллик билан боғлиқ ўлим топмоқда».

Мақолада айтилишича, муаллиф профессор Михаил Циммерман билан 30 йил давомида қадимги одамларнинг кўплаб қолдиқларини ўрганиб жуда ҳам ҳоллардаги саратон касаллиги белгиларини учратишган. Масалан, Германияда мингта одамнинг суяклари текшириб кўрилганда, фақат бир кишининг бош суягида саратон белгиси топишган. Қадимги Миср манбаларида ҳам саратон касаллиги ҳақида маълумотлар йўқ.

Розалии Дэвид юқоридагилардан шундай хулосага келади. Аввало, саратон қариллик касаллиги. Қадимги одамлар кўп яшамагани учун улар орасида саратон билан оғриган беморлар кам бўлган. Шу билан бирга, бугунги экологик ҳолат ҳам бу хавфли касалликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Афғонистон: Барқарорликнинг ягона йўли — мулоқот!

Сир эмаски, кейинги пайтларда терроризм, қочоқлар, гиёҳвандлик ҳақида гап кетса, кўз олдимишга, аввало, Афғонистон келади. Бу бекорга эмас. Жафокаш афғон халқи, мана, ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён уруш, ўт, олов ичида кун кечирмоқда.



Хўш, нима учун Афғонистонда шунча йиллардан буён давом этаётган урушни тўхтайти бўлмапти? Бу саволга жавоб топиш учун тарихга биров мурожаат қилишга тўғри келади.

Афғонистонда узок йиллардан буён давом этаётган нотинчликнинг илдилари фақат ўз мақсадларини қўлаётган давлатлар олиб борган икки ёқлама ёндашуларга бориб тақалаверади. Жорий йилда Афғонистондаги АҚШ ҳарбийлари сони икки бараварга оширилди ва 70 минг нафарга етди. Яқин келажақда улар сонини 100 минг нафардан ошириш ва 2011 йилнинг ёзида афғон заминини террорчи ва диний экстремистлардан бутунлай тозалаш кўзда тутилган.

Бунга эришиб бўладими? Узок йиллардан бери давом этаётган уруш натижаларига қараб, бу саволга ижобий жавоб бериш мушкул. Ўтган тўққиз йил давомида АҚШ минглаб, 2009 йилнинг ўзида эса 300 нафардан кўпроқ аскардан ажралди. Бирлашган кучлар таркибида Афғонистонга аскарларини олиб кирган мамлакатлар ҳарбийлари ҳам катта талафот кўрди. Лекин эришилган натижа кўнгилдагидек эмас. Уруш давом этапти. НАТО қўшинларининг ҳужумлари кучайган сайин қарши кураш ҳам авж олиб бораёпти. Бундан чиқадиган хулоса шунки, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун янги йўللارни излаш керак.

Хўш, шундай йўл борми? Бунинг учун нима қилиш керак? Бу саволга мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундан 11 йил бурун, яъни 1999 йили ЕХТнинг Истанбулда бўлиб ўтган саммитида муносиб жавоб берган эди. Юртбошимиз ўшанда халқаро ҳамжамият эътиборини Афғонистондаги вазиятга қаратиб, бу ердаги аҳвол кундан-кунга издан чиқётгани, бугун унинг олди олинмаса, нафақат минтақа, балки жаҳон хавфсизлигига таҳдид пайдо бўлиши мумкинлигини таъкидлаганди.

БЕМОР ЮЗИДАГИ ЎСМА

«Google Inc», «Verizon», «Intel», «Agilent Technologies» ва «Rockwell Collins Inc» компаниялари АҚШнинг Калифорния университети билан ҳамкорликда Интернет тезлигини оширишга ҳизмат қиладиган янги технология яратиш мақсадида иш бошладилар.

Маълумотларни оптик тола орқали жўнатишга асосланган ушбу лойиҳа амалга оширилса, Интернет тизимида маълумотларни жўнатиш тезлиги минг баробаргача ортади.

БИРИНЧИ КОСМОПОРТ ОЧИЛДИ

АҚШнинг Нью-Мексика штатидаги Лас-Крусес шаҳри яқинида дунёдаги дастлабки тижорат космопорти очилди. Бу ҳақда «Ассошиэтед Пресс» агентлиги хабар тарқатган.

Тижорат космопортини бунёд этиш лойиҳаси «Virgin Galactic» корпорация раҳбари, миллиардер Ричард Бренсон ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва корпорация томонидан молиялаштирилган. Лойиҳа муаллифи эса машҳур авиаконструктор Берт Рутан ҳисобланади.

«Ассошиэтед Пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра, космопортдан «SpaceShipTwo» деб номланган космик кема фазога кўтарилади. У космик туризм учун мўлжалланган бўлиб, ўз бортига икки нафар учувчи ва олти нафар ҳаваскор астронавтни сифдириши мумкин.

Шу пайтга қадар 380 киши космосга саёҳат қилиш истагини билдириб, бўлғуси саёҳатлар учун 50 миллион АҚШ долларига яқин маблағ тўлашган.

Космик кеманинг биринчи тижорат рейси яқин олти ой ичида амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ ОШАДИ

«Google Inc», «Verizon», «Intel», «Agilent Technologies» ва «Rockwell Collins Inc» компаниялари АҚШнинг Калифорния университети билан ҳамкорликда Интернет тезлигини оширишга ҳизмат қиладиган янги технология яратиш мақсадида иш бошладилар.

Маълумотларни оптик тола орқали жўнатишга асосланган ушбу лойиҳа амалга оширилса, Интернет тизимида маълумотларни жўнатиш тезлиги минг баробаргача ортади.

Калифорния университети қошида ташкил этилган илмий марказ директори, доктор Даниэль Блюменталнинг таъкидлашича, бугунги глобализув жараёнида Интернет тезлигини кескин равишда ошириш талаб этилмоқда.

«Кейинги йилларда бутун жаҳонда Интернет хизматига талаб ва эҳтиёж тосбора ортиб бормоқда, — дейди у. — Янги лойиҳа эса узоғи билан сўнгги беш-ўн йил ичида ахборот тезлигини ошириш имкониятини беради.»

Ҳозирги пайтда энг замонавий Интернет тармоғи бир сонияда 100 Гбит ахборотни бошқа манзилга жўната олади. Тадқиқотчи-олимларнинг айтишича, бу кўрсаткични минг баробаргача яхшилаш мумкин. Энг муҳими, янги технология амалиётта жорий этилгач, катта миқдордаги энергия тежаб қолинади.

1600 ЙИЛ МУҚАДДАМ МЎМИЁЛАНГАН ЖАСАДЛАР

Перу пойтахти Лима шаҳри яқинида олиб борилган қазилмаларда олимлар тўртта мўмиёланган жасадга дуч келдилар. Текширувлар натижасида аён бўлдики, улар тахминан 1600 йил муқаддам кўмилган.

БАБО ХАВФИ

Яқиндагина даҳшатли зилзила бошидан кечирган Гаити аҳолисига энди вабо хавф солмоқда. Мамлакат тиббиёт ассоциацияси президенти, доктор Сурена Клод шу ҳақда гапирар экан, жаҳон ҳамжамиятини ёрдамга чақирди.




Клоднинг қайд этишича, вабонинг дастлабки белгилари жорий йилнинг январь ойида аҳоли вақтинча яшаётган лагерларда кузатилган ва беморларга Сент-Марк шаҳридаги касалхонада ёрдам кўрсатилган.

Дастлабки маълумотларга қараганда, мамлакатда шу кунгача 250 нафар бемор бу хавfli касаллик қурбонига айланди. Яшаш учун етарли шарт-шароит, тоза ичимлик сувининг йўқлиги ва тиббий ёрдамнинг вақтида кўрсатилмаётгани вабонинг оммавий тарқалишига сабаб бўлмоқда.

ҲАРБИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШГА ТАЙЁР

АҚШ Покистонга ҳарбий ёрдам кўрсатишга тайёр. Бу ҳақда давлат котиби Хиллари Клинтон баёнотида асосланиб, «Би-Би-Си» хабар тарқатди.



Давлат котибининг айтишича, бугун терроризмга қарши курашда Покистон АҚШнинг энг яқин ҳамкори саналади. Вашингтон жўнатиладиган ҳарбий техника мамлакатнинг шимоли-ғарбининг эгалаб олган толибларга қарши курашда Исломободга катта мадад бўлади.

АҚШ сал олдинроқ Покистонга бошқа мақсадлар учун ҳам 7,5 миллиард доллар қарз беришга ваъда берган эди.

НАМОЙИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Францияда пенсия борасидаги ислохотларга қарши норозилик намоийшлари ҳамон давом этмоқда. Мамлакатнинг катта шаҳарларидаги ёнлғи кўйиш шохбачаларнинг 30 фоизи ишламаёпти.



Мақта ўқувчиларининг таътили пайтида поездларнинг тўхтаб қолиши дард устига чипқон бўлди. Чунки болаларини дам олишга олиб чиқишни режалаштирган ота-оналар вақтларини воқзалларда ўтказишга мажбур бўляпти.

Марсель шаҳрида фаррошлар ва коммунал хўжалик идоралари ходимларининг иш ташлаши туфайли шаҳар кўчалари чиқинди билан тўлган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, намоийшлар туфайли мамлакат хазинаси бир неча миллион евро зарар кўрган.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатда пенсия ёшени 60 ёшдан 62 ёшга кўтариш бўйича амалга оширилаётган ислохотларга қарши икки ҳафтадан буён норозилик намоийшлари бўлиб ўтмоқда.

САЙЛОВ АРАФАСИДАГИ ҚАРОР

«France-Presse» агентлигининг хабарига кўра, Греция ҳукумати йиллик даромади 10,5 минг евродан кам пенсионерларга 100 миллион евро кўшимча маблағ ажратишга қарор қилди.



Қарорда айтилишича, йиллик даромади 7000 евродан кам пенсионерлар жорий йилнинг декабрь ойида 300 евро, 7000 евродан 10500 еврогача бўлган пенсионерлар эса 100 евродан кўшимча маблағ олади.

Сниёсатчиларнинг таъкидлашича, ҳукумат тепасида турган социалистлар ҳудудий сайловлар арафасида атайин шундай қарор чиқаришган. Аслида Греция Европадаги иқтисодий аҳволи энг оғир давлат ҳисобланади. Халқаро Валюта Фонди мутахассисларининг айтишича, мамлакатда аҳволни яхшилаш учун пенсиялар миқдорини 10 фоизга қисқартириш лозим.

«SEGI» АЪЗОЛАРИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ


Испания полицияси ETA экстремистик ғуруҳи билан алоқадор «Segi» ёшлар ташкилотининг 13 нафар аъзосини қамоққа олди.

AFP хабарига айтилишича, уларни қўлга олиш бўйича басқар юртида ва Наварра шаҳрида ўтказилган амалиётда 300 нафар полициячи иштирок этган. Улардан турли ҳужжатлар ва дисклар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Бу Испания полициясининг «Segi»га нисбатан биринчи амалиёти эмас. 2009 йилнинг ноябрида ҳам ғуруҳнинг 36 нафар аъзоси ҳибсга олинган эди. Улар ҳукуматга қарши ҳаракатларда айбланмоқда. Испания Олий суди 2007 йилда «Segi»ни террорчилик ташкилоти деб эълон қилган.

АРЧА ЗОРЛАР ЁРДАМГА МУХТОЖ

Шаҳар шовқини-ю, ҳаёт ташвишларидан толиққан дамларда ҳар қандай кўнгил бирпас табиат бағрига ошиқади. Ундан осойишталик, ором, куч-қувват излайди. Танти табиат ўз фарзандларидан ҳеч қачон ҳеч бир неъматини аямаган, қизганмаган, борини бериб келган. Бироқ, биз-чи? Биз ҳам табиатга нисбатан бурчимизни бажаряшми? Ато этаётган инъомларига яраша меҳр қайтара оляпимизми, уни асраб-авайлашга ҳаракат қияпимизми?



...Болалар ўрганиб қолишган: йилда уч-тўрт марта табиат кўйида дам олиб қайтишмаса кўнгиллари тўлмайди. Кейинги оилавий тоғ сайли эса кузнинг мана шу кунларига тўғри келди. Одатдагидек, кўнгилга яқин дўстлар билан бирга яна тоғ сайлига чиқяпимиз. Сайилга оила аъзолар билан чиқишнинг гашти ўзгача. Табиат кўйида бир яйрасанг, болалару, неварларнинг юзидаги қувонч-шодлиқни, уларнинг ўйнаб-кулишларини кўриб, ўн яйрайсан.

Барчамизни бағрига олган машина Зовбошига эниб келади. Узининг ваҳимали тик қоялари, қуюқ арчазорлари-ю, бор чиройи билан не-не буюк зотларни мафтун қилган, ижодга илҳомлантирган Зовбоши. Ҳар гал бу ерга келганимда бетакрор адиб Шукур Холмирозавнинг «Зовбошидаги адашув» ҳикоясини эсламан. Адибнинг арчазорларни пиеда кезганлари, ўткир қоялар устидан Зовбошининг эдамини ютиб юборгудек ваҳимали жарликларига, мафтункор манзарасига

соатлаб тикилиб туришлари, табиатнинг бу мўъжизасидан ўзига хослик излаётгани кўз олдимга келаверади...

Димокқа арча, заранг, кийик ўти ва бошқа юзлаб тоғ гиёҳларининг ифори аралашган мусоффо ҳаво урилди. Рўпарадаги қуюқ арчазор қирнинг нариги томони биз тўхтайдиган манзил — кўч ташлашга қулай жой. Қолаверса, болалар яйраб юришларига мос кенг сайхонлик мавжуд.

Ҳар гал тоғ сайлига бир манзилни кўлаб чиқиш мақсадга мувофиқ эмас. Айниқса, болалар билан чиқилганда кўч ташлайдиган манзилни янгилаб туриш керак. Шундай қилинса, болаларда табиатнинг ҳар бир бўлаги, улар учун нотаниш бўлган ҳар бир тоғ манзили ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлади. Улар она табиат ҳақида, ўзлари яшаб турган атроф-муҳит ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўладилар. Шу сабаб болаларни бу гал Зовбошига олиб чиқишга қарор қилгандик. Уловдан бирин-кетин тушган болалар оёқлари ерга тегар-тегмас чувилла-

шиб тўрт томонга тарқаб кетишди. Жой тайёрлаш, қозон олиш одатдагидек катталарни банд этди.

Этақдаги жилғадан сув олиб келишга тушган ҳамроҳимиз Шавкат кўп ўтмай бўш челақ билан қайтганига аввал ҳеч ким эътибор қилмади. Бироқ унинг нимадандир кайфияти бузилгани эътиборини тортиди.

— Сув қани? — дедим бўш челақларга ишора қилиб.

— Сув йўқ! — деди у асабий ҳолда. — Тўғрироғи, ичиб бўлмайди уни.

— Тоғ сувини ҳам ичиб бўлмас эканми? — дейди қозонга ўт қалаётган ҳамроҳимиз Турди ака. — Худди Санжартоғнинг бағридан қайнаб чиқаётган чашмалару, эриган қор сувларини-я?! — Жилға қаққдан оқиб келаётганини жуда яхши

биламан, — деди Шавкат иддао билан. — Фақат энди бу сув истеъмолга яроқсиз демоқчиман. Яхши, тушиб ўз кўзларинг билан кўриб чиқинглар.

Ҳамроҳлар биргалашиб пастга, жилға томонга эндиқ. Пастда кўрганларимиз эса... Тошдан тошга уриб шарқираб оқиб турувчи жилға дам олишга келганлар томонидан ташлаб кетилган ҳар хил елим халтачалар, баклашқалар шиша идишлар, овқат чиқиндилари билан даярли тўлиб бўлган. Бундан икки йил бурун кўрганамиз — зило сув балчиққа айланиб, бижғиб ётарди.

Шундоқ жилға ичида, тўрт-беш жойда тўкиб қўйилган мол қоринлари, ичак-човоқларидан чиқаётган бадбўй ҳид димокни ёргудек. Жилға киргоғи бўйлаб чирмо-

вудек ўсиб ётган бута ва арчалар остида, ён-атрофда сочилган, сел сувлари туфайли тўп-тўп бўлиб йиғилган ҳар турли чиқиндилар манзараси дилни хира қиларди.

— Ношукур бандалар, — дейди Турди ака соябонли бош кийимини асабий гижимлаганича. — Тўғри келиб, тўғри кетавермайсанларми, номарлар! Ахир ҳар бир келиб-кетувчи бу ерларни чиқинди билан ифлослантурса, яқин йилларда мана шундай мўъжизавий маконларимиздан ажралиб қоламиз-ку!..

Шавкат билан Самар жилға бўйлаб юқорига, «меҳмонлар» оёғи етмаган жойларгача кўтарилиб, тоза сув олиб тушадиган, биз овқат тадоригини тўхтатиб қўлдан қолгунча сув йўлини чиқиндилардан тозалайдиган бўлдик.

Тоғ жилғасини тозалаш учун беш-олти киши бир соатча тер тўкишимизга тўғри келди. Йиғилган шиша идишлару, елим халтачаларни машинага ордтик. Бироқ булар ҳали ҳолва экан. Юқоридаги катта сайхонликка чиққан ёш болалар ҳам ҳаял ўтмай ҳафсалалари пир бўлиб қайтишди. Уларнинг айтишларича, бутун сайхонлик, шунингдек, арчазор турли чиқиндилар билан тўлиб-тошган. Шу сабаб катта-ю кичик — барчамиз «хашар»ни давом эттиришга мажбур бўлдик.

Инсоннинг табиатга қилган бундай қўполиги, айниқса, яқин ниятлар билан тоғ сайлига чиққан болакайларга жуда қаттиқ таъсир қилган уларнинг юз-кўзларидан биллиниб турарди.

— Қара, шундай баҳайбат арчани ярим жон қилиб кетишибди-я, — дейди Жаҳонгир қоқ белгача шох-шаббалари беаёв кесилган улкан арчани кўрсатиб. — Ёмон амакилар ўтин учун жавобан қўлидаги халтага сочилган елим идишларни йиғиб солаётган етти яшар Санжар. — Лекин атрофда шу-унча қуриган шох-шаббалар сочилиб ётибди-ку?! Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди.

— Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди. — Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди.

— Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди. — Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди.

— Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди. — Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди.

— Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди. — Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди.

— Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди. — Ҳа, ҳа, тандир учун шуларни ишлатишса бўларди.

чақирим пастроқдан бошланарди. Энди ўша арчалардан ном-нишон ҳам йўқ. Санжартоғ пойидан бошланиб, Ҳўжақўчқор ота зиёратгоҳи устидаги шаршарадан оқиб тушувчи уч-тўрт тегирмон сув Паданг, Инқобод, Даштигоз, бу томони Қофрун қишлоқларигача йил давомида обиҳаёт билан таъминлаб туради. Энди сой суви саратонга ҳам етмай қуриб қоляпти. Бунинг сабаби арчаларнинг камайиб бораётганида. Боя Зафарбек тўғри айтди: тоғлардаги сув манбаларининг асоси арчалар ҳисобланади. Улар ер ости сувларини сақлаб турувчи бебаҳо мўъжиза. Одамлар ана шу мўъжизани беаёв йўқ қияляптилар. Тоғ арчаларига болта ураётган инсон, аввало, ўз оёғига болта ураётганини ҳали-ҳануз англаб етмаётти..


Турди аканинг қуюнганча бор. Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда тоғларимиз инсон ҳамласига аввалгидан-да кўпроқ дуч келаяпти. Экологлар кейинги 50-60 йил ичида нафақат қайтиб тикланмайдиган арчалар, балки она табиатимиздаги юзлаб доривор гиёҳлар, ноёб ўсимликлар олами йўқ бўлиш даражасига бориб қолгани хусусида бонг уришмоқда. Ахир Оролдай мўъжизакор денгизимизнинг фожиа-си ибрат эмасми? Айниқса, тоғларимизнинг кўрки-жамоли бўлган арчаларни сақлаб қолиш, уларни кўпайтиришга ҳар доимгидан кўпроқ эътибор қаратиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Бир ўрмоншунсиз дўстим бугунги шароитда тоғ арчаларининг табиий йўл билан кўпайтиришининг мутлақо иложи йўқлигини

таъкидлаганди. Чунки баҳор-ёз мавсумларида (ўсиш даврида) тоғлар чорва учун асосий яйлов бўлиб қолаётгани, бундан ташқари, экологик бузилишлар туфайли табиатдаги кескин иқлим ўзгаришлари тоғ арчаларининг табиий кўпайишга монелик қиларкан. Шундай экан, йўқолиб бораётган арчазорларни фақат қўл меҳнати билан қайта тиклашга ҳаракат қилиш мумкин. Айниқса, мавжуд арчазорларни борича сақлаб қолиш учун табиатнинг бу ноёб мўъжизасини шахсий манфаат йўлида йўқ қилаётганларга қарши янада кескин чоралар қўллаш керак бўлади.

Тоғ сайли баҳонасида табиат кўйида биз гувоҳи бўлган эътиборсизлик кўрганларимизнинг мингдан бири, холос. Узининг бетакрор табиати, пурвиқор тоғлари-ю, наботот ва ҳайвонот олами билан ҳар қанча фахрланишга арзигулик Ўзбекистонимизнинг бошқа тоғ гўшаларида ҳам табиатга, атроф-муҳитга нисбатан худди шундай муносабатда бўлинмаётганига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Табиатимизни, она заминимизнинг ҳар бир туп гиёҳини бус-бутунлигича сақлаш, Яратганининг биз инсонларга берган ана шундай бетакрор неъматларини авлодларга қолдириш учун ҳар бир инсон шахсий намуна кўрсатиши билмаганга билдириши, тушунмаганга англаштириш лозим. Энг муҳими, ҳар бир юртдошимиз ўзи-ўзида шахсий экологик маданиятни шакллантириши шарт! Ва зарур

Даврон ОРИПОВ, «Hurriyat» мухбири



Moody's Investors Service

15 октября 2010 года
Международное рейтинговое агентство
«Moody's Investors Service»
подтвердило рейтинги
Национального банка ВЭД Республики Узбекистан

Прогноз рейтингов:
«Стабильный»

- Рейтинг финансовой устойчивости банка (BFSR) E+
- Рейтинг депозитов в иностранной валюте B2/Not Prime
- Рейтинг депозитов в национальной валюте Ba3/Not Prime

Ҳамкорликнинг янги уфқлари

Юртимизда амалга оширилган туб иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалигидаги барча соҳаларнинг замон билан ҳамқадам ривожланишига сабаб бўлди. Пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари бу йил салмоқли натижаларни қўлга киритди. Ернинг ҳақиқий эгаси дея эътироф этилган фермерлар бор билим, тажриба ва салоҳиятларини ишга солиб, пахта ҳамда галладан юқори ҳосил хирмонларини яратдилар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли жорий йилдаги пахта хирмонимиз 3 миллион 400 минг тоннани ташкил этди. Бу 1 миллион тоннадан кўпроқ сифатли тола ҳозирланди, дегандир. Таъкидлаганимиздек, бу улкан хирмон замирида фермер хўжалиқларининг мардонвор меҳнати, қалб кўри ётибди.

Қашқадарёда ҳам меҳнатидан қадр топган фермерлар кўпчиликини ташкил этади. Мазкур вилоят пахта усталари бу соҳада ўз мактабларига эга. Албатта, ҳосилнинг юқори бўлиши нафақат фермерга, балки уни техника билан таъминловчиларга ҳам боғлиқ. Ерни ўз вақтида ҳайдаш, ўғитлаш ва шунга ўхшаш қатор агротехник хизматларни кўрсатиш ММТПлар зиммасида.

Қамаши туманидаги «Фиш-ли-Олмазор» ММТП раҳбари Мурод Эшмуродов фермерларни зарур техника воситалари билан таъминлайди. Бу инсоннинг ишини тўғри ташкил этгани боис унинг техникаларидан фойдаланувчи хўжалиқлар туманда энг илғор ҳисобланади. Техника етказиб беришдаги узлуксизлик ва интизом ана шундай самара берди. «Йигитали», «Эшонкул ўғли Мусурмон», «Турдимурод ўғли Миржалол» каби жамоалар шулар жумласидандир.

Фермерларга техника хизмати кўрсатиш вилоятнинг Чироқчи туманида ҳам яхши йўлга қўйилган. У ердаги «Наврўз» номи ММТПда Мазкур Муродов раҳбарлик қилади. Мазкур ММТП 16 та фермер хўжалиги билан ҳамкорлик қилади.

Пахтачиликдаги муваффақият нафақат фидокорона меҳнат, балки иқлимга мос янги навларни кашф қилиш, шунингдек, пахта майдон-

ларидаги агротехник тадбирларни тўғри ташкил этишни, бир сўз билан айтганда, юксак масъулиятни талаб қилади.

Чироқчидаги «Наврўз» ММТПнинг беминнат хизматидан фойдаланаётган Исмоил Умаров, Баҳодир Кенжаев, Олимжон Турдимуродов каби фермерлар пахта етиштириш бўйича йиллик шартнома режаларини ортиги билан урдлашди.

Бугунги деҳқон кеңагисидан тубдан фарқ қилади. Қишлоқ хўжалигида ўтказилган туб ислохотлар деҳқонни ҳақиқий мулкдорга айлантди. Бошқача айтганда, улар чин маънода ернинг эгаси бўлишди.

Ҳозирги фермер учун режани кўр-кўрона бажариш эмас, балки ердан фойда олиш асосий мақсадга айланган. Шунинг учун ҳам улар ўзларига агросервис хизматини кўрсатувчи корхоналар билан хусусан, ММТПлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишдан манфаатдорлар. Пахтачиликда фермер ва ММТПларнинг манфаати бир жойда кесишиши унисига ҳам бунисига ҳам иқтисодий фойда келтиради.

Равно ТОЖАЛИЕВА ®

Олов билан ўйнашма!

Огоҳлик

Ота-оналар пойтахтимиздаги Республика шовқинчи тиббий ёрдам клиник марказига оёқ-қўллари ёқс юзларини оловда куйдириб олган болаларни тез-тез даволатгани олиб келишди. Уларни кўриб, оғовилга ачиниб кетади киши. Қўйиш дарида нақадар оғир эканини бошдан кечирганлар яхши билади, албатта.

Сирасини айтганда, болаларда ҳеч қандай айб йўқ. Уларни шўхлик оқибатида куйиб қолган, деймиз. Лекин аслида гап бошқа ёқда. Қўлаб ота-оналар болаларига олов билан ўйнаши ёмон оқибатларга келишини тушунтирмайдилар. Уларни уйда ёлғиз қолдириб, ишга ёки бошқа юмуш билан кўчага чиқиб кетдилар. Бу пайтда болалар катталарга тақдир қилиб, гугурт қаққидилар, дазмол қилдилар ёки оқсат пиширмоқчи бўладилар. Қарабсизки, болалар жиддий тан жароҳати оладилар. Ҳазимиз ҳам ота-она бўлганимиз туфайли жони оғрийтган болажонларга ичимиз жуда ачийди.

Куйган тан жароҳатлари бир умрга чандиқ бўлиб қолади, ахир! Айниқса, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар ўртасида куйиш орқали тан жароҳати олиш кўп учраши ачинарлидир. Шундай экан, болаларнинг олов билан ўйнамасликлари, ёнгина олиб келувчи ҳолатларга қўл урмасликлари учун ота-оналар ённинг оқибатларини тўғри тушуниришлари керак. Тарбия инсон камалининг асоси. Бола худди ниҳол каби тўғри парваритилган, кўнгилсизликларнинг олди олинган.

Мазкур ФИРМАТОВ,
Ҳамза тумани ИИБ ЕХБ инспектори

